Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 155 (6. 644) ◉ 1988 йил 6 июль, чоршанба Баҳоси 3 тийин

**МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА**

◉ «Қайта қуришни чуқурлаштирайлик»— «Правда» газетасининг Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюцияларига бағишланган бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

◉ «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасида эълон қилинган иқтисодий обзор «Нордон мева»ли гўшт» деб номланади. Мақолада гўшт тайёрлашдаги исрофгарчиликлар ва кўзбўямачиликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

◉ «Известия» газетасининг иккинчи саҳифасида эълон қилинган «Ижарага олинган магазин» сарлавҳали мақолада Москва шаҳри савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида пудрат усулининг жорий этилиши ҳақида фикр юритилади.

# КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладини, шунингдек ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунларини муҳокама қилиб, шуни қайд этади: Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленумида ва партиянинг XXVII съездида партия ишлаб чиққан совет жамиятини ҳар томонлама ва революцион янгилашга ҳамда унинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўл оғишмай амалга оширилмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий ва социал-сиёсий кризис томон бориши тўхтатилди.

Қайта қуриш ғоялари ва ишларининг таъсирида жамият жипслашмоқда, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг ижодий куч-ғайрати юксалмоқда. Одамлар қайта қуришга ишонч ҳосил қилдилар ва уни чуқурлаштириш учун, революцион ўзгартишларга муқаррар тус бериш учун курашмоқдалар.

Демократиялаш ва ошкоралик ғоявий-сиёсий ва ижтимоий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Мамлакат экономикасини соғломлаштириш, уни одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш сари буриб юбориш жараёни бошланди, хўжалик юритишнинг янги усуллари кучайиб бормоқда. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга мувофиқ бирлашма ва корхоналар хўжалик ҳисобига ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказилмоқда. Кооперация тўғрисида Қонун ишлаб чиқилди, кенг муҳокама қилинди ва қабул этилди. Пудрат ва ижара асосида ички ишлаб чиқариш меҳнат муносабатларининг янги, илғор шакллари, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти турмушга кириб бормоқда. Бошқарувнинг ташкилий структуралари қайта қурилмоқда, бу иш экономика бошланғич бўғинларининг самарали хўжалик юритиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Партиянинг ташаббуси билан авж олдирилган иш меҳнаткашларнинг реал даромадларини яна ошира бошлаш имконини берди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уй-жой қурилишини кенгайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Маориф ва соғлиқни сақлаш ислоҳ қилинмоқда. Маънавий турмуш мамлакат тараққиётининг қудратли омили бўлиб қолмоқда.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги реалликларини қайтадан идрок этиш, ташқи сиёсатни янгилаш ва унга жўшқинлик бахш этиш соҳасида катта иш қилинди.

Шу тариқа қайта қуриш совет жамиятининг турмушига чуқур сингиб бормоқда, унга тобора кўпроқ ўзгартувчилик таъсирини ўтказмоқда.

Шу билан бирга конференция қайд этадики, қайта қуриш жараёнлари зиддиятли, мураккаб тарзда, қийинчилик билан, янгилик ва эскиликнинг ўзаро кураши жараёнида кечмоқда. Гарчи ижобий тенденциялар кўриниб турган, дастлабки натижалар қўлга киритилган бўлса-да, иқтисодий, социал ва маданий тараққиётда туб бурилиш рўй бермади. Халақит берувчи тўғаноқлар ҳали тўла-тўкис бартараф этилгани ва жадаллаштириш омиллари билан алмаштирилгани йўқ. Экономика кўп жиҳатдан ҳамон экстенсив йўлдан ҳаракат қилмоқда. Ялпи, миқдорий ёндашувларнинг тазйиқи тугатилмаган.

Экономиканинг структурасида асосан чиқимдорлик характери сақланиб қолмоқда. Фан-техника тараққиёти суст ривожланмоқда, миллий даромадни кўпайтиришга ва ресурсларни тежашга оид планлар бажарилмаяпти. Маҳсулот сифатида сезиларли яхшиланиш йўқ. Мамлакатнинг молиявий аҳволи мураккаблигича турибди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари билан таъминлашдаги кескинлик сақланиб қолмоқда, аҳолининг хизматларга бўлган талаби қондирилмаяпти. Уй-жой муаммоси ҳамон кескин бўлиб турибди.

Жамиятни демократиялаш билан бир қаторда туб иқтисодий ислоҳот бутун қайта қуришимизнинг пойдеворидир. Энди ислоҳот сиёсий системанинг ўзгариши туфайли янги омилга эга бўлиб қолади. У асосан шу беш йиллик доирасида тугалланиши керак. Сиёсий системани белгиланган тарзда реконструкциялашнинг суръати ҳам, муваффақияти ҳам ўз навбатида шунга боғлиқ бўлади. Аммо жорий этилаётган янги иқтисодий механизм партия билан ҳукуматнинг тегишли қарорлари марказий идораларда муносиб тарзда бажарилмаётганлиги оқибатида юришмай қолмоқда. Текисчилик ва тайёрга айёрлик экономикани интенсив ривожлантиришга жиддий тўсиқлигича қолмоқда. Хўжалик юритишнинг кооператив, пудрат ва ижара шаклларини кенг оммалаштириш учун шароит яратишда сусткашлик қилинмоқда.

Турғунликнинг оғир сарқити қайта қуриш жараёнларига тўсқинлик қилувчи таъсир ўтказмоқда. Бироқ белгиланган ўзгартишлар суст амалга оширилаётганини шу билангина изоҳлаб бўлмайди. Партия, давлат, хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг ҳозирги ишидаги камчиликлар замирида кўп иллатлар яшириниб ётибди. КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари қарорлари муносиб равишда қатъият ва собитқадамлик билан амалга оширилмаяпти. Раҳбарликнинг янги демократик усуллари, рўй-ростлик ва ошкоралик ўзига қийинчилик билан йўл очиб бормоқда, консерватизм ва сусткашликка, тафаккур ва ҳаракатдаги догматизмга бориб тақалмоқда. Жамиятнинг турли бўғинларида, шу жумладан, меҳнат коллективларида меҳнатга, ишга муносабатнинг ўзи кўнгилдагидек ўзгармади. Ўз вазифаларини виждонан бажариш ҳали ҳам одат тусига киргани йўқ. Меҳнат интизомининг даражаси қайта қуриш талабларига мувофиқ келмайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ишнинг пировард натижаларига таъсир қилмоқда.

Жамоат, давлат ва хўжалик фаолиятининг барча поғоналарида буйруқбозлик-маъмуриятчилик усулларидан воз кечишни хоҳламаётган ёки воз кеча олмаётган, янгиликни оғриниб қабул этаётган ходимлар ҳали кўп. Қайта қуришнинг миқёслари ва чуқурлигидан чўчиётган, ярим йўлда тўхтаб қолишни, қайта қуришнинг революцион мазмунини чала-чулпа чора-тадбирлар билан чеклашни афзал кўрмоқчи бўлган ходимлар ҳам оз эмас. Айни вақтда воқеаларнинг боришига сунъий равишда туртки бериш, босқичлардан сакраб ўтиш йўлида уринишлар қилинмоқда, объектив шарт-шароитлар мавжудлиги ва ижтимоий онг савиясини эътиборга олмай, ҳамма ишни бир зумда бажариб қўя олиш ҳақидаги даъватлар янграмоқда.

Бошқарувнинг маъмуриятчилик-буйруқбозлик системасига хос бўлган бюрократик усулларни бартараф этиш мақсадида конференция министрликларнинг ва бошқа марказий идораларнинг вазифаларини ҳамда иш услубини ўзгартириш, ортиқча бўғинларни тугатиш ва уларни жойларга топшириш, аппаратни анча қисқартириш ва унда ишловчи кадрларнинг малакасини ошириш йўлини қатъиян қўллаб-қувватлайди. Бу ишни узоқ вақтга чўзиб юбориб бўлмайди.

Кўпгина партия ташкилотларининг фаолияти қайта қуриш вазифаларидан орқада қолмоқда, улар тўсқинлик сабабларини ўз вақтида ва тўғри баҳолай олмадилар, кутиб турмоқдалар, эскиликка қарши курашда ҳамда янги иш формалари ва усулларини тез ўзлаштириб олишда қатъиятсизлик қилмоқдалар.

Мана шуларнинг ҳаммаси қайта қуришни янада чуқурлаштириш ва унинг муқаррарлигини ишончли равишда гарантиялаш зарурлигидан далолат беради. Конференция шуни таъкидлайдики, қайта қуриш — социализмни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг, ижтимоий тараққиётнинг етилган муаммоларини халқ манфаатларини кўзлаб ҳал этишнинг имкони бўлган бирдан-бир йўлидир. Шу йўлдан қатъият билан оғишмай боравериш, сабр-матонат кўрсатиш ва ҳар бир босқичнинг имкониятларидан реал фойдаланиш керак.

Конференция ҳозир сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш биринчи ўринга чиқиб қолмоқда, деб ҳисоблайди. Айни шу ислоҳот ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида қайта қуришни чуқурлаштиришнинг янги имкониятларини очиши ва унинг муқаррарлиги гарантияларини таъминлаши лозим.

2. Социал-иқтисодий соҳада халқ фаровонлигининг энг зарур муаммоларини жадал ҳал этиш жуда муҳим вазифадир.

Аввало, мамлакатнинг озиқ-овқат таъминотини анча яхшилашга эришиш керак. Бу — жуда катта социал-сиёсий масаладир. Пудрат ва ижаранинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, мавжуд хўжаликлар доирасида ҳам, шунингдек, бошқа корхоналар ва экономика тармоқлари билан ўзаро алоқаларда ҳам кооперативларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш асосида колхоз ва совхозларнинг имкониятини ҳар томонлама рўёбга чиқариш бу масалани ҳал этишнинг энг қисқа йўлидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, қайта ишлаш, асраш ва сотишни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш, шу тармоқлардаги корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва қуриш учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш зарур.

Конференция ҳисоблайдики, ҳозир мамлакатда ҳамма жойдаги колхоз ва совхозларни хўжалик юритишнинг янги принципларига ўтказиш учун зарур шарт-шароит етилди, жойларда ҳам, марказда ҳам шу ишга халақит берадиган барча тўсиқлар олиб ташланиши лозим. Бу вазифани ҳал этиш учун бевосита колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, қишлоқ коммунистлари, халқ депутатлари Советлари зиммасига алоҳида масъулият тушади.

Колхоз ва совхозларга буйруқ бериш йўлидаги ҳар қандай уринишлар дарҳол тўхтатилиши керак. Улар ички хўжалик фаолияти масалаларини мустақил ҳал этишга, хўжаликлараро алоқаларнинг ва ишлаб чиқариш хизматининг усулларини белгилаб олишга қодирдирлар. Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, қишлоқдаги меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, уни зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ҳозирги аграр сиёсатнинг туб масалаларидир. Аграр сиёсатнинг моҳияти шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий мувозанатни қайта тиклашдан, қишлоқ хўжалигининг ўзида ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришдан иборат.

Хўжалик юритишнинг янги механизми имкониятларидан фойдаланиб, бозорни хилма-хил моллар ва хизматлар билан мўл-кўл таъминлашни жадаллаштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги ишни ҳамма жойда авж олдириш зарур. Енгил саноатни ва оммавий харидоргир моллар ишлаб чиқарувчи бошқа тармоқларни тубдан қайта жиҳозлаш керак. Маҳаллий имкониятлардан, кооператив ҳаракатнинг ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим. Регион аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан маҳаллий Советларнинг, меҳнат коллективларининг манфаатдорлигини ошириш зарур.

Конференция 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш борасида КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифани бажариш мақсадида уй-жой қурилишининг ҳажмлари, суръатларини кескин ошириш ва сифатини яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирларни маъқуллайди. Қурилиш индустриясининг заифлиги ва аввало, бинокорлик материалларининг етишмаслиги, махсус машина ва ускуналар жуда камлиги давлат, кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши миқёсларини кенгайтиришга, меҳнат коллективларининг, маҳаллий Советларнинг бу ишдаги ташаббусига халақит бераётганини қайд этиб, конференция СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ҳукумат органлари шу масалаларни ҳеч кечиктирмай ҳал этишлари кераклигини маълум қилади.

Айни вақтда уй-жой фондини яхши ҳолатда сақлаш, квартиралар тақсимоти устидан демократик назоратни таъминлаш ҳамда уй-жойга ҳақ тўлашда одилона тартиб ўрнатиш билан боғлиқ бўлган масалаларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, ҳал қилиш лозим.

Конференция соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, мамлакатдаги экология вазиятини яхшилаш юзасидан қабул қилинган программаларни сўзсиз бажаришни жуда муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Бу соҳадаги барча тадбирларга одамларнинг манфаатлари, социал йўналиш асос қилиб олиниши, иш самарадорлиги эса иқтисодий рағбатлантириш ва замонавий илмий-инженерлик таъминоти усулларини жорий этиш ҳисобига анча оширилиши керак.

КПСС XXVII съездининг экономикани социал соҳа сари буриб юбориш йўли бутун структура ва инвестиция сиёсатининг ўзаги, такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва пропорцияларини шакллантиришнинг асосий негизи бўлиб қолиши лозим. Бу йўл иқтисодий ўсишнинг янги сифати билан; ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, ресурсларни тежаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, машинасозликни реконструкциялаш билан чамбарчас боғланган. Ўн учинчи беш йиллик концепцияси ҳам шу ёндашув билан белгиланиши керак.

Иқтисодий ислоҳотни ривожлантириш ва чуқурлаштириш билан бирга янги иқтисодий механизмни шакллантиришни ниҳоясига етказиш, ислоҳот принципларини ҳар бир бошланғич меҳнат коллективига, ҳар бир иш жойига етказиш зарур. Одамларнинг энг юксак пировард натижалардан манфаатдорлигини қатъиян кучайтириш, текисчиликни охиригача бартараф этиш, меҳнатнинг миқдори ва айниқса, сифатига қараб ҳақ тўлаш принципига дадилроқ ўтиш ва ҳамма жойда амал қилиш, ёмон ишлаётганлар фаровон яшайверадиган ҳолатга йўл қўймаслик керак.

Конференция шуни таъкидлайдики, совет кишиларининг ҳалол ва юксак унумли меҳнат қилиши асосидагина барча иқтисодий ва социал вазифалар ҳал этилишини таъминлаш мумкин.

Шу беш йиллик доирасида хўжалик механизмини пухта такомиллаштириш; марказдаги ва жойлардаги ташкилий структураларни ва ташқи иқтисодий алоқалар системасини қайта қуриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига ўтиш, халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш программасини амалга ошириш, шу жумладан, бюджетда, молиявий-кредит системасида, банклар фаолиятида тартиб ўрнатиш жадаллаштирилсин. Умумхалқ муҳокамасидан кейин нарх белгилаш ислоҳ қилинсин, улгуржи, харид ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилсин. Чакана нархларни ислоҳ қилганда нархларнинг ўзгариши одамларнинг турмуш даражасига бирон-бир тарзда зарар етказмаслиги принципига қатъий асосланиб иш тутилсин.

3. Жамиятнинг интеллектуал, маънавий потенциалини, фан ва техника тараққиётини бутун чоралар билан активлаштирмай туриб, олимларнинг ва инженер кадрларнинг илмий-техникавий ҳиссасини кўпайтирмай, уларнинг обрўйини оширмай ва иш шароитини яхшиламай туриб, бутун таълим системасининг замонавий даражасига эришмай, халқнинг умумий ва сиёсий маданиятини оширмай туриб, революцион қайта қуришни рўёбга чиқариб бўлмайди.

Конференция фундаментал ва амалий фанларни жадал ривожлантиришнинг, кашфиётлар ва ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий қилишдек ўткир муаммони ҳал этишнинг, илм-фан билан ишлаб чиқариш доимий алоқасининг муҳим аҳамиятини таъкидлайди. Илм-фан фаолиятини ташкил этишнинг янги шакллари керак. Ижтимоий фанларда чуқур қайта қуриш ғоят зарур, бу фанлар догматизмни ва ҳаётдан ажралиб қолишни узил-кесил бартараф қилиши лозим. Уларнинг бурчи социализмни ривожлантиришнинг энг зарур ва истиқболли масалаларини, жаҳон тараққиёти муаммоларини ижодий ишлаб чиқишдан, сиёсат учун, жамият учун реал самарани оширишдан иборат.

Конференция фан ва маданият соҳасини янада демократиялаш, бу соҳа учун жамиятни қайта қуриш талабларига мос келадиган моддий базани вужудга келтириш ва ривожлантириш кераклигини таъкидлайди. Партия ҳақиқатни излаш ва бадиий идрок этишнинг хилма-хиллигини, мусобақалашувни, новаторлик ва давомийликни қўллаб-қувватлаш билан бирга фан, адабиёт ва санъат арбобларининг активлигига, ўз истеъдодларини намоён этишларига ва халқ олдидаги юксак масъулиятни сезишларига умид қилади.

Конференция қайта қуришнинг назарий хазинасини кўпайтиришга, идеология ишини яхшилашга, уни қолоқликдан, сафсатабозликдан ва андозачиликдан халос қилишга, унинг мазмуни ва руҳини турмуш реалликларига мувофиқлаштиришга, одамларни қизиқтирадиган ҳамма масалалар юзасидан улар билан сидқидилдан, бевосита гаплаша олиш маҳоратига принципиал аҳамият беради.

Янги авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш — КПССнинг, бутун жамиятимизнинг масъулиятли вазифасидир. Конференция ўрта ва олий мактаб ислоҳотини изчил ва жадал амалга оширишни талаб қилади. Бу гап уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам, энг муҳими — ўқитувчининг, муаллимнинг, тарбиячининг ролига ҳам тааллуқлидир.

Партия ёшларни қайта қуришнинг фаол ва ташаббускор кучи, деб билади. Конференция ёш авлодга нисбатан давлат аҳамиятидаги кучли, яхлит сиёсатга эга бўлиш зарур, деб ҳисоблайди. Бу сиёсат ёшларга имкони борича эртароқ мустақиллик олиш, ўз қобилиятларини иложи борича намоён этиш ва ўз ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқариш, мамлакат тақдири учун, социализм тақдири учун иқтисодий, сиёсий ва маънавий масъулиятни ўз вақтида зиммасига олишга яхшироқ тайёргарлик кўриш имконини берадиган шароит яратиши керак.

Конференция комсомолга партия раҳбарлигининг ленинча анъаналари тўла қайта тикланиши, унинг ташкилий мустақиллигига, сиёсий фаолиятда ва сиёсатни ишлаб чиқишда қатнашиш, партия, совет ва хўжалик органларида ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига риоя этиш керак, деб ҳисоблайди. Комсомол гражданлик ва ахлоқийликнинг илк мактаби — пионерлар ҳаракатидаги ўз иши учун бутун жамият олдида алоҳида масъулдир.

Конференция хотин-қизларнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган муаммоларни янада зўр ғайрат билан ҳал этиш зарурлигига эътиборни қаратади. Қуйидан юқоригача раҳбарлик органларида хотин-қизларнинг вакиллари кенг миқёсда қатнашишлари керак. Уларнинг жамиятдаги ва сиёсий турмушдаги роли оширилиши, онанинг обрўйи ва ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, авайлаб-асралиши, унинг ўз вазифаларини бажариши учун шароит яратиб берилиши, ёш оилалар тўғрисидаги ғамхўрлик кучайтирилиши керак.

4. Конференция М. С. Горбачевнинг докладида сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида баён этилган таклифларни маъқуллайди ва бу таклифларни амалда рўёбга чиқариш лозимлигини билдиради.

Партия ва давлат органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш ва қуйидан юқоригача Советларнинг тўла ҳокимиятини қайта тиклаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат билан гражданлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни, жамият барча аъзоларининг сиёсий, иқтисодий, социал ва шахсий ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлайдиган суд системасини ва бошқа муассасаларни ислоҳ қилиш билан бирга бу тадбир пировард натижада ҳамма нарсанинг ва ҳамманинг қонунга сўзсиз бўйсуниши олий принцип бўладиган социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этишни ниҳоясига етказишга қаратилган.

Конференция СССР халқ депутатларининг съездларини чақиришни икки палатали Олий Советнинг мунтазам асосдаги фаолиятини, Олий Совет Раиси лавозимини таъсис этишни, уларнинг ўз ваколатларидан демократик асосда фойдаланишларини, ҳокимият барча олий табақалари, шу жумладан СССР Министрлар Советининг Конституцияда белгилаб берилган тарзда ўзаро алоқасини назарда тутиб, давлатдаги олий ҳокимиятни қайта қуришни сиёсий система самарали ишлашининг энг муҳим шарти деб ҳисоблайди.

Конференция жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари — касаба союз, комсомол, хотин-қизлар, ветеранлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг, ижодий союзларнинг фаолиятини қайта қуриш руҳида янгилаш ҳамда сиёсий система ишида, аҳоли турли табақаларининг манфаатларини бутун халқ фаровонлиги йўлида рўёбга чиқариш ва мувофиқлаштириб туришда уларнинг ролини анча ошириш кераклигини билдиради.

(Давоми иккинчи бетда).

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 4 июль куни бўлиб ўтган мажлисида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини бажариш билан боғлиқ бир қанча масалалар кўриб чиқилди. Конференция КПСС ҳаётида, партиянинг совет жамиятини революцион янгилаш, қайта қуриш назарияси ва практикасини чуқурлаштириш, туб иқтисодий ислоҳотни ва жамиятни демократиялашни амалга ошириш йўлини изчиллик билан ўтказишда катта воқеа бўлганлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро конференция ҳужжатларида, делегатларнинг таклифлари ва мулоҳазаларида белгиланган тадбирларни амалда рўёбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш учун шу йил июль ойининг охирларида партия Марказий Комитетининг Пленумини чақиришни зарур деб топди. Сиёсий система ислоҳоти, партия, давлат ва жамоат турмушини демократиялашни амалга ошириш билан боғлиқ таклифларни Пленумга тайёрлаш тўғрисида топшириқлар берилди.

Н. И. Рижков, В. П. Никонов, Ю. Д. Маслюков, В. С. Мураховский ўртоқларга тегишли марказий, республика ва маҳаллий органлар, илмий ташкилотлар иштирокида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва шундай маҳсулотлар билан аҳолини таъминлашни яхшилаш юзасидан ҳам биринчи навбатдаги, ҳам истиқболга мўлжалланган қўшимча тадбирларни тайёрлаш топширилди. Сиёсий бюро ана шу муаммони ҳал этиш учун мамлакатнинг бир қанча регионларида об-ҳаво шароити мураккаблашганлигини эътиборга олиб, бу йилги ҳосил йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Н. Н. Слюньков, Н. В. Талызин, А. П. Бирюкова, И. С. Белоусов ва В. М. Каменцев ўртоқларга тегишли министрликлар ва идоралар, шунингдек, республика ва маҳаллий органларнинг раҳбарлари иштирокида конференция делегатларининг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматни кенгайтириш ва бу ишни ташкил этишни яхшилаш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиш таклиф этилди.

Конференцияда туб иқтисодий ислоҳот ўтказилиши муносабати билан ўртага қўйилган масалаларга алоҳида эътибор жалб этилди. Н. И. Рижков, Ю. Д. Маслюков, Л. А. Воронин ўртоқларга делегатларнинг конкрет таклифларини кўриб чиқиш ва ислоҳотни амалга ошириш практикаси чоғида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ишни ташкил этиш топширилди.

Ю. П. Баталин, И. С. Силаев, Л. А. Воронин ўртоқлар зиммасига партия конференцияси делегатларининг таклифларини ўрганиб чиқиш ҳамда социал ва ишлаб чиқариш программаларини, айниқса қишлоқда ана шундай программаларни бажариш учун зарур бўлган мамлакат бинокорлик саноати базасини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш юклатилди.

Сиёсий бюро жойлардаги партия комитетлари ва совет органларининг раҳбарлари бўлган коммунистлар зиммасига савдони ташкил этиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, коммунал хўжалик ва шаҳар транспортидаги ишларнинг аҳволини кечиктирмай ўрганиб чиқиш вазифасини юклайдиган қарор қабул қилди. Бу борада зарур тартиб ўрнатиш лозимлиги, нотақчил товарлар ва хизматлар таъминотидаги узилишлар, меҳнаткашларнинг адолатли эътирозларига сабаб бўлаётган асоссиз навбат кутишларга барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

Аввало, аҳолига савдо, маиший ва медицина хизмати кўрсатиш соҳаларига маъмурий идоралар эгаллаб турган биноларни бериш эвазига шу соҳаларни кенгайтириш учун майдонлар ажратишнинг қўшимча имкониятларини қидириб топиш топширилди.

Сиёсий бюро иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советлари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари, шунингдек, тегишли марказий идораларнинг раҳбарлари бўлган коммунистларга, озиқ-овқат ва бошқа товарлар фондларини тақсимлашда қатъий тартиб ўрнатиш, бу фондларни реализация қилишда бирон-бир қоида бузилиши ва суиистеъмолларни истисно этишни топширди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети ва СССР Халқ контроли комитети комсомол, касаба союз ташкилотлари ва жамоатчилик билан мустаҳкам ҳамкорликда ана шу талаблар бажарилишини таъминлашни доимий контрол қилиб туришлари лозим.

Сиёсий бюро XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг стенографик ҳисоботини нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди, мазкур ҳисобот кўп нусхада чиқарилади.

Сиёсий бюро партия конференциясида айтилган таклифлар муносабати билан шахсга сиғиниш йилларида содир бўлган қонунсизлик ва репрессияларнинг қурбонларига Москва шаҳрида ёдгорлик бунёд этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сиёсий бюро барча партия, совет, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳозирнинг ўзидаёқ, ҳеч қандай кўрсатмаларни кутиб ўтирмай, совет кишисининг кундалик эҳтиёжлари, аҳолининг биринчи галдаги талабларини қондириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик билан боғлиқ бўлган партия конференцияси қарорларини амалга оширишга жадал киришишлари зарурлигига алоҳида эътиборни қаратди.

Сиёсий бюро конференция қарорларини бажаришга барча коммунистлар, ҳар бир меҳнат коллективи, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари фаол киришадилар, деб ишонч изҳор этди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида партия ва жамоат ҳаётининг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.



**КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси материалларидан илҳомланган «Ташхимсельмаш» заводининг коллективи шу кунларда айниқса кўтаринки кайфият, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаяпти.**

**СУРАТДА: корхона ветеранларидан бири, ёшларнинг устози Зоид Аҳмедов.**

## Пешқадамлар марраси

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳил ишчилари мамлакатимиз коммунистларининг улкан анжумани шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини пухта адо этдилар.

— Қайта қуришнинг ҳаётбахш шабадаси эсаётган шу қутлуғ кунларда бирлашмамизнинг барча цех ва ишлаб чиқариш участкаларида фидокорона меҳнат авж олаяпти,— дейди корхона инженери Людмила Умнова. — Тайёрлов цехи ишчиси, Ленин ордени нишондори Галина Закритная яқинда ўн иккинчи беш йиллик топшириғини бажарди. Шаҳло Собирова, Салима Мусажонова, Марям Ўрозова, Антонина Конюова, Татьяна Грошонина сингари тажрибали бичиқчи ва тикувчиларимиз ҳам юксак аҳдга яраша ишлаб, беш йилликнинг тўрт йили топшириғини бажардилар.

**А. РУСТАМОВ.**

# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Охири тўртинчи бетда).

5. Конференция шуни қайд этадики, КПСС революцион ташаббусни ўз зиммасига олиб, жамият ва партиянинг ўзидаги аҳволни холисона, танқидий таҳлил эта билди, қайта қуриш программасини илгари сурди, унинг ғоялари теварагида кенг халқ оммасини жипслаштирди, ижтимоий муносабатларни революцион ўзгартиришнинг амалий ишини ташкил этди. Шундай қилиб, Коммунистик партия жамият программавий мақсадларининг ифодачиси эканини, халқнинг авангарди бўлиб ҳаракат қилаётганини яна бир бор намойиш этди.

Партия ва давлат органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш шароитида партиянинг жамият авангарди сифатидаги ленинча концепцияси тўла-тўкис ва ҳозирги шароитни эътиборга олиб, қайта тикланиши керак, бу авангард марксизм-ленинизм таълимотига асосланиб, мамлакат тараққиётининг энг муҳим масалалари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилишини таъминлайди, қайта қуриш идеологиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади ва шу орқали, омма орасидаги ташкилотчилик иши орқали, уларни илҳомлантириб ва руҳлантириб, бутун кўп миллатли жамиятимизнинг олға ҳаракатига тўғри, социалистик йўналиш бериб туради. Партия кадрлар сиёсатини амалга ошириб, ўзгартирилган сиёсий системанинг демократик механизмлари орқали кадрлар оқилона жойлаштирилишини таъминлайди. КПСС ўзининг сиёсий йўлини давлат ва хўжалик органларида, жамоат ташкилотларида ва меҳнат коллективларида ишловчи коммунистлар орқали ўтказиши лозим. Партия Конституция ва совет қонунлари доирасида иш тутади.

Қайта қуришнинг мамлакат ва социализм тақдирига дахлдор вазифаларини ҳал этиш партиянинг раҳбарлик ролини оширишни ва унинг мана шу ўз ролини бажаришига баҳо беришнинг янги мезонларини талаб қилади.

Партия социалистик жамиятда чуқур бузилишларга олиб борган, унинг тараққиётини неча ўн йиллар кечиктириб юборган, кўпдан-кўп одамларнинг қурбон бўлишига, беҳисоб маънавий ва ғоявий талафотларга олиб келган шахсга сиғиниш ва турғунлик даврлари билан боғлиқ бўлган биронбир ҳолатнинг бундан буён такрорланишига ҳеч қачон йўл қўймайди.

6. Конференция КПСС Марказий Комитетининг янги сиёсий тафаккурга асосланган халқаро фаолиятини, Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик ниятларини жаҳон сиёсатига сингдиришнинг янги усулларини маъқуллайди. Конференция таъкидлайдики, жаҳон тараққиётининг зиддиятларини ҳал этишга ва можароли вазиятларни бартараф қилишга сиёсий ёндашувгина СССР учун инсониятнинг омон қолишини ва унинг бундан буёнги тараққиётини таъмилашда тарих томонидан ўзига берилган ролни ўйнаш имкониятини очади.

Шу маънода конференция социалистик мамлакатлар билан интернационалистик ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, Совет — Америка муносабатларини яхшилаш, умумеврoпа жараёнини жонлантириш, Осиё — Тинч океан регионидаги, Лотин Америкасидаги, Африкадаги алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги принципиал йўлни ва бу соҳада кўрилган амалий чора-тадбирларни, қўшилмаслик ҳаракати билан, турли сиёсий партиялар ва жаҳон жамоатчилиги билан самарали мулоқотларни юксак баҳолайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрў-эътиборини қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллий можароларни миллий иноқлик ва ўз йўлини танлаш эркинлиги асосида бартараф этиш соҳасидаги куч-ғайратларни маъқуллайди.

Конференция совет раҳбариятининг рўй-рост, амалий мулоқот ва қуролсизланиш йўли билан уруш хавфини йўқотиш проблемасига ёндашувини тўғри деб ҳисоблайди, бу ёндашув ўртача ва камроқ олислик ракеталари хусусида Шартнома тузилишига, ядровий, химиявий ва оддий қуроллар тўғрисидаги музокараларни амалий йўсинга кўчиришга йўл очди.

Конференция Женева битимлари асосида ҳамда қўшнимиз бўлмиш Афғонистон билан мустақил, бетараф, қўшилмаган давлат сифатидаги муносабатлар асосида шу мамлакатдан қўшинларни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорни тўла-тўкис маъқуллайди.

Ташқи сиёсий фаолият мамлакат ресурсларини тинч қурилишга, қайта қуришга бўшатиб беришга тобора катта ҳисса қўшиши ҳамда жамиятни демократиялаш, шу жумладан қарорлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш жараёни билан чамбарчас боғланиши керак.

Мудофаа соҳасидаги ҳамма ишлар бундан буён техника, ҳарбий фан жиҳатидан ҳам, Қуролли Кучларнинг состави жиҳатидан ҳам устун равишда сифат кўрсаткичларига йўналтирилиши керак. Мудофаа иши совет давлати ва унинг иттифоқчиларининг пишиқ-пухта хавфсизлигига кафолат бериш билан бирга, бизнинг мудофаа доктринамизга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилиши керак.

Қайта қуриш ўз инсонпарварлик моҳиятини яққол ифодалайдиган, совет жамиятига теварак-атрофдаги дунё билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва хилма-хил демократик алоқаларнинг кенг йўлини очадиган ташқи сиёсатга муҳтождир.

Конференция КПССнинг коммунистик ва ишчи партиялар, барча ижтимоий кучларнинг тинчлик ва социал тараққиёт учун, озодлик ва демократия учун кураши билан муттасил бирдамлик йўлини тасдиқлайди.

7. Конференция 20 миллионли коммунистлар армиясининг хоҳиш-иродасини, совет халқининг туб манфаатларини ифодалаб, шуни маълум қилади: партия революцион қайта қуриш жараёнини сабот ва собитқадамлик билан чуқурлаштираверади, унинг муқаррарлигини таъминлайверади, унинг мақсадларига эришиш учун ҳамма ишни қилаверади.

Конференция барча партия ташкилотларини, ҳамма коммунистларни ва партиясизларни Ватан тақдири учун тарихий аҳамиятга эга бўлган жамиятни янгилаш жараёнига янада активроқ қўшилишга чақиради.

8. Конференция КПСС Марказий Комитети конференция делегатларининг ўзларини сайлаган коммунистлар номидан айтган ҳамма конкрет таклифлари ва илтимослари, шунингдек Тезисларни муҳокама қилиш чоғида конференция номига юборилган коллектив ва шахсий мурожаатномаларда баён этилган таклиф ва масалалар кўриб чиқилишини таъминлаши ва кўриб чиқиш натижалари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиши зарур, деб ҳисоблайди.

# СОВЕТ ЖАМИЯТИНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШ ВА СИЁСИЙ СИСТЕМАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1. Қайта қуриш, мамлакатни революцион янгилаш, партия ва жамоат турмушини демократиялашнинг уч йили тажрибаси сиёсий системани чуқур ислоҳ қилиш заруратини кун тартибига қўйди.

Совет давлати пролетариат диктатурасининг қуроли сифатида вужудга келди ва ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида умумхалқ давлатига айланди. Эндиликда вазифа совет давлати ана шу тушунчага тўла мос бўлишидан, мамлакатдаги барча ишлар халқ ва унинг ваколатли намояндалари томонидан ҳал қилинишидан, халқнинг тўла ва таъсирчан контроли остида бўлишидан иборат.

Конференциянинг фикрича сиёсий системанинг бўлажак ислоҳоти қуйидаги вазифаларни ҳал этиши керак:

— Жамият ўз-ўзини бошқаришига энг кўп имконият очиб бериши, гражданлар, ваколатли ҳокимият органлари, партия ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ташаббускорлигини тўла ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб бериши;

— Барча синфлар ва социал группаларнинг манфаатлари ва иродасини демократик йўл билан аниқлаш ва шакллантириш, бу манфаатлар ва иродаларни мувофиқлаштириш ҳамда совет давлати ички ва ташқи сиёсатида амалга ошириш механизмини созлаб бериши;

— Ҳар бир миллат ва элат бундан буён ҳам эркин ривожланиши учун, уларнинг интернационализм принципларига асосланган дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги мустаҳкамланиши учун шароитларни таъминлаши;

— Ҳокимиятни тортиб олиш ва суиистеъмол қилиш имкониятларини истисно қилиш, бюрократизм ва расмиятчиликка самарали қарши туриш, гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг, шунингдек улар жамиятга ва давлатга нисбатан ўз бурчларини бажаришларининг ишончли гарантияларини таъминлаш учун социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни тубдан мустаҳкамлаши;

— Коммунистик партиянинг жамият сиёсий авангарди роли ҳамда совет давлатининг халқ ҳокимияти ташкилоти ва қуроли сифатидаги роли тўғрисидаги ленинча концепцияларга мувофиқ партия ва давлат органлари вазифаларини аниқ белгилаб бериши;

— Ўзгариб борувчи ички ва халқаро шароитларни, социалистик демократия ва ўз-ўзини бошқариш принциплари ривожланиши ва турмушнинг барча соҳаларига жорий этилишини ҳисобга олиб, сиёсий система ўз вақтида янгиланиб туришини таъминлайдиган самарали механизмини вужудга келтириш вазифаларини ҳал қилиши керак.

Сиёсий системани ислоҳ қилиш комплекс тусда бўлиб, барча бўғинларни қамраб олиши, экономика ва бутун жамиятдаги қайта қуриш билан мувофиқлаштирилиб бир вақтда, бунинг устига энг қисқа муддатларда амалга оширилиши лозим.

2. Мамлакатимизда социалистик давлат ва ўз-ўзини бошқаришнинг негизи бўлган халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини таъминлаш — сиёсий системани ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи йўналишидир.

Конференция Советларнинг қонун чиқарувчи, идора қилувчи ва котрол қилиб борувчи вазифаларини мустаҳкамлашни, давлат, хўжалик ва социал-маданий турмушнинг барча муҳим масалаларини ҳал қилишни уларнинг ихтиёрига топширишни ижроия органлари ва уларнинг аппаратига нисбатан сайлаб қўйиладиган органларнинг раҳбарлик мавқеини тиклашни зарур, деб ҳисоблайди. Партиянинг иқтисодий, социал, миллий сиёсати энг аввало, халқ ваколатли органлари орқали амалга оширилиши керак.

Маҳаллий ишларга раҳбарлик ўз ўзини бошқариш, ўзини ўзи пул билан таъминлаш, ўзини ўзи маҳсулотлар билан таъминлаш, регион манфаатларининг умумдавлат манфаатлари билан мувофиқлаштириш принциплари асосида қайта ташкил этилиши лозим. Бунинг учун ўзига қарашли территорияларни комплекс ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишда Советларнинг масъулияти ва мустақиллиги таъминланадиган реал шарт-шароитларни яратиш керак. Советлар барқарор, узоқ муддатли нормативларга асосланган даромад манбаларига, жумладан ўз территориясида жойлашган барча корхоналардан тушумга эга бўлиши, иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмушини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бошқа муҳим вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маблағларни жамғариб боришлари, қўшимча даромадлардан, шу жумладан аҳолидан келадиган тушумлар ҳисобидан бюджетдан ташқари фондларини тузишлари, хўжаликка моҳирлик билан раҳбарлик қилиш ва социалистик омилкорлик натижасида олинган маблағларни эркин тасарруф қилиш қатъий гарантиясига эга бўлишлари лозим.

Советлар ишини ташкил этишнинг ўзини янгилаш: фақат сессияларда ҳал қилинадиган масалалар доирасини кенгайтириш; депутатларни Советларда, доимий комиссияларда ва сайлов округларида ишлашлари учун уларни вақти-вақти билан хизмат ва ишлаб чиқариш вазифаларидан озод қилиб қўйишни кўзда тутиш, ҳар бир совет қонун доирасида маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, ўз фаолиятининг форма ва методларини танлаб олиши учун тўла имкониятга эга бўлишини кўзда тутиш керак. Ижроия комитетларини тузиш, бўлимлар бошқармалар ижрокомнинг бошқа хизматлари раҳбарларини тайинлаш ва тасдиқлаш чоғида бир неча номзодни кўрсатиш, яширин овоз бериш, конкурслар ўтказиш қоидага айланиши лозим. Барча бўғиндаги Советларнинг иши ошкора, доимо сайловчилар кўз олдида олиб борилишига эришиш зарур.

Конференция қишлоқ ва поселка Советларидан ташқари маҳаллий ҳокимият органларида Советларнинг доимий иш олиб борувчи президиумлари ҳамда истисносиз барча Советларда уларнинг раислари яширин овоз бериш йўли билан сайланишини маъқуллайди. Советларнинг раислари лавозимига қоида тарзида тегишли партия комитетларининг биринчи секретарларини тавсия этиш ваколатли органлар ролини оширишга кўмаклашган бўлур эди.

Барча босқичлардаги маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг аъзолари, шунингдек уларнинг бўлимлари, бошқармалари раҳбарлари, судьялар, давлат арбитрлари ва прокурорлар тегишли совет депутатлари составига кира олмайдилар. Бундай принципни ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар ҳукумат аъзолари ҳамда идоралар раҳбарларига ҳам жорий этиш лозим бўлади.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларни, шунингдек Советлар тайинлайдиган ва тасдиқлайдиган лавозимларни эгаллаб туришни кетма-кет икки муддат билан чеклаб қўйишни жорий этиш муҳим демократик тартиб бўлади.

Советларнинг обрў-эътибори ва таъсирини қайта тиклаш мавжуд сайлов системасини жиддий равишда янгилашга муҳтождир. Конференция КПСС XXVII съездидан сўнг бу ишда тўпланган тажрибага ижобий баҳо бериб, чекланмаган миқдорда номзодлар кўрсатилишини, улар кенг ва эркин муҳокама қилинишини, сайлов бюллетенларига мавжуд мандатларга нисбатан кўпроқ номзодлар сонини киритишни, сайловнинг демократик тадбирларига қатъий риоя этилишини, депутатларнинг мунтазам ҳисоб бериб боришлари ва уларни чақириб олиш имкониятларини таъминлаб, бу йўлдан янада олға боришни зарур деб ҳисоблайди. Округ сайловолди йиғилишларига кенг ваколатлар бериб қўйиш лозим, улар депутатликка номзодларни мусобақа асосида танлаб олишнинг демократик анжумани бўлиб қолиши керак. Агар Советларга давлат миқёсидаги кенг дунёқарашга эга бўлган, социалистик янгиланиш позицияларида мустаҳкам турган, ўз сайловчиларининг муносиб вакили бўлишга, ўзларига берилган ҳуқуқлардан актив фойдаланишга қодир бўлган принципиал кишилар сайланса, Советлар ҳақиқатдан ҳам бундай шароитда чинакамига иш олиб борадиган орган бўлиб қолади.

Конференция халқ депутатлари барча Советлари учун ваколат муддатини 5 йил белгилашни маъқуллайди.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Тезислари баҳсларининг якунларини умумлаштириб ва конференцияда бу Тезислар муҳокамасини ҳисобга олиб, давлат ҳокимияти олий органларни реконструкция қилишни зарур, деб ҳисоблайдилар ва СССР Халқ депутатлари съезди мамлакат ҳокимиятининг олий органи бўлишини ёқлайдилар, бу орган составига территориал ва миллий-территориал сайлов округларидан сайланган депутатлар билан бир қаторда сиёсий система асосий бўғинлари — партия, касаба союзлари, комсомол, бошқа оммавий жамоат ташкилотлари, шунингдек кооператив, ижодий, илмий, ташкилотларнинг уларнинг съездларида ва марказий органлари пленумларида демократия йўли билан сайланган, вакиллари бўлмиш депутатлар ҳам кириши лозим. СССР Халқ депутатлари съезди ҳар йили съезд мажлисига тўпланиб, мамлакат ҳаётининг энг муҳим конституцион, сиёсий ва социал-иқтисодий масалаларини ҳал қилиши мумкин бўлур эди. Съезд сон жиҳатидан унча кўп бўлмаган икки палатали СССР Олий Советини — доимий иш олиб борадиган қонун чиқарувчи, идора қилувчи ва контрол қилувчи органни тузади, яширин овоз бериш йўли билан Олий Совет Раисини сайлайди. Палаталарнинг вазифалари ноаниқлигини бартараф этиш, доимий комиссиялар ва депутатлар ишини янгича ташкил этиш лозим.

Бошқа барча босқичдаги Советларни тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш чоғида ҳам янгича ёндашувлардан фойдаланиш ва уни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш керак.

3. Конференция бошқаришни маҳаллийлаштириш ва вазифалар ҳамда ваколатларни маҳаллий ташкилотларнинг мумкин қадар кўпроқ ташаббускор ва мустақил бўлишини таъминлайдиган қилиб қайта тақсимлашни сиёсий системани ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири, деб ҳисоблайди. Бунда маҳкамачилик, маҳаллийчилик тугатилиши ва марказнинг фаолияти таъминланиши керак, бунингсиз социализмнинг афзалликларини рўёбга чиқаришнинг кўп миллатли катта давлатда умумиттифоқ манфаатларига риоя қилишнинг иложи бўлмайди.

Конференция хўжалик ислоҳоти ва сиёсий системани ислоҳ қилиш давомида ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш, иқтисодий ва социал-маданий ривожланишнинг планлари ва истиқбол программаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун СССР Олий Советига бўйсунувчи ҳокимиятнинг олий ижроия ва идора органи СССР Министрлар Советининг роли ва масъулияти ортиб боришини таъкидлайди.

Жамиятни демократиялаш бутун давлат аппарати структурасини соддалаштириш ва иш методларини такомиллаштириш юзасидан мунтазам иш олиб боришни тақозо этади. Ортиқча бўғинлар тугатилиши ва аппарат сони энг мақбул даражагача қисқартирилиши керак. Биз юксак профессионализмга асосланган, замонавий ахборот технологиясини эгаллаб олган, халқ демократик контрол қилиб борадиган, иқтисодий ва социал тараққиётни олға силжитишга қодир бўлган янги типдаги аппаратга эга бўлишимиз зарур. Конференция бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг ижобий аҳамиятини таъкидлаб, уни жадаллаштиришни, бошқарув системасининг бирорта бўғини ҳам қайта қуришдан четда қолмаслигини талаб қилади. Мамлакатда ижтимоий—давлат контролининг сайлаб қўйиладиган ҳокимият органларига бўйсунувчи ягона системасини барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий система ислоҳотини амалга ошириш чоғида СССР составига кирувчи барча миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқли қардошларча иттифоқини янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, совет социалистик федерациясини ривожлантириш масалаларига асосий эътибор қаратилиши лозим.

4. Конференция сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг социализмга тўла мос келадиган формаси сифатида социалистик ҳуқуқий давлатни тузишни принципиал муҳим иш, деб ҳисоблайди. Бу вазифанинг ҳал этилиши совет кишисининг ҳуқуқлари ва эркинликларини мумкин қадар тўла таъминлаш, давлатнинг граждан олдидаги ва гражданнинг давлат олдидаги масъулияти, қонуннинг обрўсини ошириш ва барча партия ҳамда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, коллективлар ва гражданлар бу қонунларга қатъий риоя қилишлари билан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали иши билан узвий боғлиқдир. Ана шу органлар фаолиятини тубдан қайта қуриш ҳуқуқий ислоҳотнинг ўзаги бўлиб қолиши лозим, конференция бундай ислоҳотни нисбатан қисқа муддатда ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

5. Сиёсий системани ислоҳ қилиш унинг жамоат ташкилотлари каби муҳим бўғинларини қайта қуришни тақозо этади. Касаба союзлари, комсомол, кооперациялар, хотин-қизлар ташкилотлари, ветеранлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар совет жамияти турли қатламларининг манфаатлари ва орзу-умидларини ифодалаб, партия ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантиришга кўмаклашадилар. Бу сиёсатда бутун халқимизнинг манфаатлари узвий бирлашади.

Сўнгги вақтда социалистик янгиланиш ишига кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бир қанча янги жамоат уюшмалари ва бирлашмалари пайдо бўлганлигини ижобий ҳодиса, деб ҳисоблаш керак. Шу билан бирга конференция жамиятнинг социалистик негизларини қўпоришга, миллий ва ирқий адоватни авж олдиришга қаратилган ҳар қандай фаолиятни, урушни, зўравонликни ва ахлоқсизликни тарғиб қилишни қоралайди.

Конференция жамоат ташкилотлари фаолиятига юксак баҳо бериб, уларнинг турмушини демократиялаш, мустақиллиги ва масъулиятини оширишни, ҳамма нарсани белгилаб қўйиш, расмиятчилик, ташаббускорлик асосларини бўшаштириш каби камчиликларни қатъий бартараф этишни зарур деб ҳисоблайди. Партия ўз навбатида жамоат ташкилотлари жамиятдаги ўз ўрнини янгича идрок этишларига, қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватловчи умумхалқ ватанпарварлик ҳаракати янада ривожланиб бориши учун жамоат ташкилотлари ўз ижодий имкониятларини янгилаш жараёнида ғайрат билан ишга солишларига бутун чоралар билан кўмаклашаверади.

Мамлакатимизда тарихан таркиб топган бир партияли система шароитида партия ва жамиятда эркин мулоқот, танқид ва ўз-ўзини танқид, ўзини контрол қилиб бориш, ўз ишларига баҳо беришнинг доимий ҳаракатдаги механизми мавжудлиги — ҳаётий аҳамиятга молик масаладир.

6. Партия меҳнаткашларнинг социалистик ҳуқуқлари мустаҳкамланишига кўмаклашишга қатъий аҳд қилган бўлиб, бу ҳуқуқлар социалистик ижтимоий тузум афзалликларининг ёрқин ифодасидир. Бу йўлдаги муваффақиятларни хўжалик ислоҳотини изчиллик билан амалга ошириш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш белгилаб беради. Шу муносабат билан конференция меҳнат интизомини, ходимларнинг ўз ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришга онгли ва ижодий ёндашувларини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлайди. Жамият ўз аъзоларига яратиб берадиган социал бойликлар даражаси ва сифати пировард натижада ҳар бир коллективнинг ва ҳар бир совет кишисининг меҳнатга муносабатига боғлиқдир.

Ана шу конституцион ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга оширишни қонун йўли билан белгилаб қўйиш гражданларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва шахсий эркинликларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Кишиларнинг бошқаришда иштирок этиш, ҳар қандай масала юзасидан ўз фикрини билдириш, виждон эркинлиги ҳуқуқлари уларнинг Конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари орасида алоҳида ўрин тутади. Қонун гражданнинг шахсий қадр-қимматини, унинг уй-жойи дахлсизлигини, ёзишмалар, телефон орқали гаплашувлар сирини ва бошқа ҳуқуқларини пухта ҳимоя қилиши лозим. Совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари уларнинг гражданлик вазифалари билан, қонунни ҳамма қатъий ҳурмат қилиши билан боғлиқдир. Социалистик демократия на ўзбошимчалик билан, на масъулиятсизлик билан келиша олади.

7. Конференция сиёсий системани ислоҳ қилишнинг муваффақияти партиянинг ишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ деб ҳисоблайди ва барча партия ташкилотлари, ҳамма коммунистлар олдига шу муносабат билан вужудга келаётган вазифаларни ҳал этишда ғоят фаоллик билан, ижодкорлик билан қатнашиш вазифасини қўяди. Партия ислоҳотнинг ташаббускори бўлиб, уни ҳаётга актив жорий этар экан, ўзининг ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар сиёсий авангарди вазифасини амалда бажаради.

Биз яшаётган тарихий даврнинг асосий хусусияти шундан иборатки, КПСС фаолияти фақат мазмун жиҳатдан эмас, методлари жиҳатидан ҳам жамиятда партиянинг раҳбарлик роли тўғрисидаги ленинча концепцияга тўла мос бўлиши лозим. Бу эса биринчи навбатда партия комитетлари давлат ва хўжалик органлари ишини бажаришларидан воз кечишини, уларнинг адресига бевосита кўрсатма берадиган партия қарорлари қабул қилинишини истисно этишни. КПСС ўз сиёсий йўлини жамият ҳаётининг турли соҳаларида ишлаётган коммунистлар орқали амалга оширади, деган принципга қатъий риоя қилишни талаб қилади.

Конференция партия органлари фармойиш бериш, буйруқбозлик методларидан бутунлай воз кечишни, демократия принципларига, СССР Конституцияси ва бошқа қонунлар талабларига қатъий риоя қилишни шу куннинг вазифаси сифатида ўртага қўяди. Ҳар бир партия ташкилоти фаолияти савиясини, партия ходимлари етуклигини айнан партия сиёсатини янгичасига, омма орасида ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бориш қобилиятига қараб белгилаш керак.

8. Партия ички турмушини чуқур демократиялаштирмай туриб жамиятни қайта қуриш ва янгилашда КПССнинг авангардлик ролини таъминлаб бўлмайди. Масалаларни муҳокама қилиш чоғида мунозаралар эркинлигини ва кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинганидан кейин ҳаракат бирлигини кўзда тутувчи демократик централизм принципини ленинча тушунишни тўла тиклаш — биринчи навбатдаги вазифадир. КПССнинг барча бўғинлари партиявий ўртоқлик, сиёсат ва амалий фаолиятнинг барча долзарб масалаларини эркин муҳокама қилиш, танқид ва ўз-ўзини танқид, коллективизм ва онгли интизом, шахсий масъулият вазиятида иш олиб бориши учун партия ички демократиясини чуқурлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим.

Конференция бошланғич партия ташкилотлари турмушини демократиялашга катта аҳамият беради. Энг аввало юқоридан майда-чуйда ишларга аралашишдан халос қилиб, уларнинг мустақиллигини ошириш, сайлаб қўйиладиган партия органларининг, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, уларнинг ишини рағбатлантирувчи шароитларни яратиб бериш, партия аъзолари бир қисмининг пассивлигини бартараф этиш лозим. Конференция коммунистларни партия комитетлари фаолиятига жалб этиш даражаси партиявий ишни тубдан қайта қуриш, партия ички демократиясини ривожлантириш, халқ ўз-ўзини социалистик бошқарувини қарор топтириш эҳтиёжларига мос эмас, деб ҳисоблайди. Ҳар бир коммунист қайта қуриш, жамиятимизни революцион ўзгартириш учун курашчи бўлиши лозим.

Демократиялаш КПССга янги аъзоларни қабул қилиш каби муҳим жараёнга ҳам дахлдор бўлиши лозим. Илғор, ташаббускор кишиларни партияга қабул қилишга кўпинча сунъий ғов қўяётган «разнарядка» йўли билан партия сафларини тўлдиришни тартибга солиб туришга қатъий чек қўйиш лозим. Партия сафига кирувчи кишининг фазилатларига баҳо беришда унинг сиёсий позицияси, қайта қуришдаги реал иштироки, ишга муносабати, маънавий қиёфаси бирдан-бир мезон бўлиши керак. Бунда меҳнат коллективининг фикрини холисона ҳисобга олиш, партияга қабул қилиш масалаларини очиқ партия йиғилишларида муҳокама қилиш лозим.

9. Конференция қарорларни коллегиал муҳокама қилиш ва қабул қилиш ленинча принципи тўла ҳажмда тикланишини партияни демократиялашнинг асосий йўналишларидан бири деб ҳисоблайди. Партия аппарати сайлаб қўйиладиган органлар ўрнини эгаллаши, коммунистларнинг роли эса йиғилишларда қатнашиб, таклиф қилинган номзодлар рўйхати ва резолюцияларнинг тайёр лойиҳалари учун овоз беришдан иборат бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Партия йиғилишлари ва партия комитетлари Пленумлари характерини ўзгартириш, уларнинг ишчанлигини, сиёсий раҳбарлик, ғоявий-сиёсий ишлар муаммоларига танқидий ва амалий ёндашувини кучайтириш лозим.

Конференция Марказий Комитет Сиёсий бюроси фаолиятида КПСС Марказий Комитети аъзолари иштирокини кенгайтиришни, Марказий Комитет Пленумларида Сиёсий бюро ҳисоботлари ва ахборотларини мунтазам эшитиб боришни, ички ва ташқи сиёсатнинг турли соҳалари юзасидан Марказий Комитет аъзоларидан комиссиялар тузишни ёқлайди.

Партия турмушини демократиялаш барча партия ташкилотлари, уларнинг раҳбар органлари ишида мумкин қадар тўла ошкораликни талаб қилади. Конференция партия комитетлари Пленумларининг стенограммаларини, шунингдек партия ва жамият турмушининг энг муҳим масалалари юзасидан тайёрланаётган қарорлар лойиҳаларини эълон қилиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайди.

Партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари партия ички муносабатларини янгилашда алоҳида роль ўйнайдилар. Конференция район, шаҳар, округ, область, ўлка партия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари бюроларининг ўз комитетлари олдида, парткомлар ва партия бюроларининг эса—бошланғич, цех партия ташкилотлари олдида мунтазам ҳисоб бериб боришлари зарурлигига эътиборни қаратади. Бунда коммунистлар ўз вазифаларини уддалай олмаётган ёки ўз обрўсини тушириб қўйган кишиларни сайлаб қўйиладиган партия органларидан муддатидан олдин чақириб олиш, зарур бўлган тақдирда эса сайлаб қўйиладиган органнинг бутун составини қайта сайлашга ҳақлидирлар.

Демократиялаш шароитида партиянинг кадрлар сиёсати жиддий равишда янгилашга муҳтождир. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга номенклатура асосида расмиятчилик билан ёндашишнинг умри тугамоқда. Партия комитетларининг бу соҳадаги ишлари асосий методи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларни тарбиялашни демократик тартибга мувофиқ раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилишдан иборат бўлиши керак. Кадрлар масалаларидаги узил-кесил қарорлар сайлов натижаларига қараб белгиланиши лозим.

10. Партиядаги сайлов жараёнини демократиялашни конференция энг муҳим аҳамиятга молик масала, деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитетигача барча партия комитетлари аъзолари ва секретарларини сайлаш чоғида номзодларнинг кенг муҳокама қилиниши ва яширин овоз бериш йўли билан сайланиши, сайлов бюллетенига мавжуд мандатлардан кўпроқ номзодларни киритиш имконияти таъминлансин. Конференция ёки съездга делегатлар сайлаш билан бир вақтда ҳал қилувчи ҳуқуқни конференция ёки съезд делегатларига қолдирган ҳолда юқори партия органи составига номзодлар хусусида таклиф киритиш юзасидан партия ташкилотларининг ҳуқуқини тан олиш мақсадга мувофиқдир.

Конференция КПСС Марказий Комитетидан то район партия комитетларигача сайлаб қўйиладиган партия органлари учун бир хил — 5 йил ваколат муддати белгилаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди. Бу ваколат муддати нисбатан узоқлигини ҳисобга олиб, ҳар икки-уч йилда партия конференциялари ўтказишни, бу конференцияларда партия комитетлари составини қисман — 20 процентгача янгилаш ҳуқуқини беришни практикага жорий этиш лозим бўлур эди. Бу КПСС Бутуниттифоқ конференциясига ҳам тааллуқлидир.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб туриш муддатини чеклаш кадрлар корпусидаги турғунликдан қутулишнинг муҳим гарантиясидир. Конференция КПССнинг навбатдаги ҳисобот-сайлов кампаниясидан бошлаб қуйидаги қоидани жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди: партия комитетлари бюроларининг ҳамма аъзолари ва секретарлари, шу жумладан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шу лавозимга сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланмаслиги керак.

11. Партия контрол-ревизия ишларини такомиллаштириш субъективизм ва ўзбошимчалик, партия сиёсатига шахсий ва тасодифий вазиятлар таъсирига қарши пухта гарантияни таъминлаш мақсадида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясини, маҳаллий ташкилотларнинг партия ва ревизия комиссияларини тугатиб, ягона контрол органи — КПСС Марказий контрол ревизия комиссияси ва жойларда тегишли органларни тузиш таклиф қилинади. Янги органлар партия съездлари ва конференцияларда сайланиши ва уларга бўйсуниши лозим.

12. Қайта қуриш, партия комитетлари ва давлат, хўжалик органлари вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш шароитида партия аппаратидаги ўзгаришлар масаласи катта аҳамият касб этмоқда. Конференция партия комитетлари аппаратининг структураси сиёсий раҳбарликни кучайтириш вазифаларига тўла-тўкис жавоб бериши, қайта қуришнинг янги босқичи мақсадларига мос бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Партия аппаратини қисқартириш ва унинг иши самарадорлигини ошириш билан бир вақтда уни қайта ташкил этиш яқин вақт ичида амалга оширилиши лозим. Партия аппаратининг партиянинг сайлаб қўйиладиган органларига қатъий бўйсуниши ва ҳисоб бериб бориши принципига оғишмай риоя этилиши керак.

13. Сиёсий системани ислоҳ қилиш — масъулиятли партия қарорлари ва катта қонун актлари қабул қилинишини, шу жумладан СССР Конституциясига иттифоқдош ва автоном республикалар конституцияларига, шунингдек КПСС Уставига жиддий ўзгартишлар киритишни талаб қилувчи катта ва тиғиз ишдир.

Конференция давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларида, оммавий жамоат ташкилотларида ишлаётган коммунистларга КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси томонидан маъқулланган совет жамиятини демократиялаш программасини ва сиёсий система ислоҳотини амалга ошириш учун зарур чоралар кўришни тавсия этади.

# БЮРОКРАТИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА

1. Конференция қайд этадики, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди қарорлари бюрократизмга, унинг экономикада, социал ва маънавий соҳаларда буйруқбозлик, маъмурий ўзбошимчалик каби хунук кўринишларига, одамларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжларига нисбатан расмиятчилик билан лоқайд қарашга, жамоатчилик фикрига ҳамда меҳнаткашларнинг социал тажрибасига нисбатан менсимай муносабатда бўлишга қарши амалий ҳужумни бошлаб берди. Демократик ташкилотларнинг турғун ҳолатга тушиши, бўғиб қўйилганлиги вазиятида бюрократизм хатарли даражагача етиб борди, ижтимоий тараққиётга тўғоноқ бўлиб қолди. Бюрократик бузилишлар, айниқса, сиёсий раҳбарликдаги бузилишлар омманинг жонли ижодиёти бўлмиш социализмга ётдир.

Туб иқтисодий ислоҳот, сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия ва жамиятдаги демократиялаш жараёнлари, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, жамиятни бошқаришга халқни амалда жалб этиш бюрократизм позицияларини тубдан қўпориб ташламоқда. Аммо ҳамма кураш олдинда турибди.

Бошқарув аппарати асоссиз равишда ҳаддан ташқари катталигича қолмоқда. Унинг кўпгина қисми жамият талаб-эҳтиёжлари ва манфаатларидан ажралган ҳолда иш кўрмоқда. Экономикани, мамлакат турмушининг бошқа томонларини ўзгартириш борасида партия ишлаб чиққан чора-тадбирлар кўпинча министрликларнинг, давлат ва хўжалик органларининг бюрократларча хатти-ҳаракатлари билан, кўпгина партия ташкилотларининг, халқ депутатлари Советларининг сусткашлиги билан барбод қилинмоқда. Маҳкамачилик ва маҳаллийчилик ҳали ҳам кенг тарқалган, кўзбўямачиликка ва ўзбошимчаликка, совет қонунларини бузишга барҳам берилмаган. Танқидни бўғиш, меҳнаткашларнинг ташаббусини сўндириш ҳоллари оз эмас.

Бюрократизмнинг социал иллатига қарши, социалистик бошқарув аппаратининг юксак сифатли бўлиши учун изчил, муросасиз кураш олиб боришда қайта қуриш вужудга келтираётган шарт-шароитлардан тўла-тўкис фойдаланиш — барча партия ташкилотларининг, ҳамма коммунистларнинг бурчидир.

Бу курашни экономикада корхона тўғрисида, кооперация ҳақидаги, меҳнат коллективлари кенгашларининг ваколатлари тўғрисидаги Қонунларга қатъий риоя этиш, корхоналарнинг хўжалик ҳисоби асосидаги муносабатларини, мустақиллиги ҳамда масъулиятини, хўжалик юритишнинг пудрат, ижара, кооператив формаларини бутун чоралар билан ва ҳар томонлама ривожлантириш орқали, бошқарувнинг ташкилий структураларини такомиллаштириш орқали авж олдириб юбориш керак.

Бу курашни социал соҳада меҳнаткашларнинг моддий-маиший ва маънавий талаб-эҳтиёжларини қондириш тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш орқали, социалистик адолат принципларини изчил рўёбга чиқариш, қонунларни аниқ ижро этиш орқали авж олдириб юбориш лозим.

Ижтимоий-сиёсий турмушда бюрократизмга қарши курашни демократияни тинимсиз чуқурлаштириб бориш, социалистик ўз-ўзини бошқариш формаларини кенг ривожлантириш, Советларнинг ҳокимиятини улуғлаш ва мустаҳкамлаш орқали, давлат қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда меҳнаткашларнинг бевосита иштироки, жамият турмушининг ҳар хил соҳаларидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида аҳолини кўпроқ хабардор қилиш, бошқарув органларининг фаолияти устидан халқ назоратини кучайтириш орқали олиб бориш керак. Демократик централизмни бюрократик централизм билан алмаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишларга зарба бериш зарур.

Маънавий-ахлоқий соҳада бюрократизмга қарши ҳужумни авж олдириш маънавий турмушнинг ленинча анъаналари ва мезонларини қайта тиклаш, марксизм-ленинизм идеологиясидан ижодий фойдаланиш ҳамда уни ривожлантириш, янгича сиёсий тафаккурни ўзлаштириш ва авж олдириш, догматизм, мешчанлик ахлоқи, социал жиҳатдан тайёрга айёрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби кўринишларга нисбатан муросасиз бўлиш, демакдир. Қарашлар ва фикрларни эркин қиёслаш вазиятини вужудга келтириш, майда-чуйдаларга аралашаверилишига, фан ва маданиятга раҳбарликдаги буйруқбозлик услуби сарқитларига қатъиян барҳам бериш керак.

Партия ўз фаолиятини ва ички партия турмушини демократиялашда, уни ҳар қандай бюрократик сарқитлардан тозалашда ишонарли ўрнак кўрсатган тақдирдагина бюрократизмга қарши курашда барча ижтимоий кучларни ўзига эргаштира олади, бу курашда реал муваффақиятларга эриша олади.

2. Конференция КПСС XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг 1987 йил июнь Пленуми қарорларига мувофиқ бошқаришни қайта қуриш, унинг бўғинлари ва аппаратини қисқартириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга ижобий баҳо беради ҳамда бу иш чўзилиб кетмаслиги керак, шунингдек, айни бир вақтда ўтказиладиган кампанияга ва кўр-кўрона қайта ташкил этишларга айлантириб юборилиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бу ишни узлуксиз олиб бориш, бошқариш системасининг жамиятда доимо содир бўлиб турган ўзгаришларга мувофиқ келишини таъминлаш лозим.

Бошқарув вазифалари ва ваколатлари юқоридан қуйига тобора кўпроқ топширилишига эришиш, марказлашган раҳбарликни энг аввало асосий жараёнларга қаратиш зарур. Бевосита ишлаб чиқаришда бошқарувни такомиллаштириш, барча поғоналардаги раҳбарларнинг меҳнат коллективларининг қонунда белгиланган ҳуқуқларига қатъий риоя этишлари, улар кенгашларининг ишини кучайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Қуйидаги принципга қатъий риоя этилишига эришиш партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг вазифасидир: бошқарув аппарати сайлаб қўйиладиган органларга, Совет ҳокимиятига халққа хизмат қилади ва уларга тўла ҳисобот бериб туради. Унинг ҳукумат қонунлари ва қарорларини бузишга, мазмунини йўққа чиқаришга олиб борадиган хатти-ҳаракатлари Конституцияга хилофдир. Очиқ-ойдинлик, меҳнаткашларнинг, жамоатчиликнинг контрол қилиши ва текшириши учун монелик қилинмаслиги аппарат ишининг нормаси бўлиб қолиши лозим.

Ишни билимдонлик билан ташкил этиш — аппаратнинг энг муҳим вазифасидир. Бунинг учун бошқарув аппарати қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартибининг ўзини жиддий ўзгартириш, бу ишни мумкин қадар соддалаштириш, жавобгарликни ўзидан соқит қилиш мақсадида келишиб олишлар гирдобидан, ҳеч бир кераксиз справка ва маълумотларни жойлардан жўрттага сўрайверишдан халос этиш, ҳисоботларни кўп марта камайтириш талаб қилинади. Энг муҳим хўжалик ва социал муаммоларни ҳал этиш вариантларини олимларнинг, жамоатчиликнинг экспертизасига, умумхалқ муҳокамасига ёки референдумларга қўйиш амалда жорий этилсин.

Ҳар бир бошқарув бўғини ва унинг ходимлари вазифаси ҳамда масъулиятини аниқ-пухта белгилаб қўйиш лозим. Лениннинг қуйидаги кўрсатмаси қатъият билан амалга оширилсин: «...Истисносиз ҳамма шароитларда коллегиячилик билан бирга, ҳар бир кишининг аниқ белгили иш учун шахсий жавобгарлиги аниқ белгиланган бўлиши лозим».

Конференция бошқарув органлари ўз фаолиятининг салбий оқибатлари учун амалда моддий жавобгар бўлмайдиган, ижрочилар, меҳнат коллективлари эса уларга таъсир ўтказиш реал воситаларига эга бўлмаган аҳволни қатъиян тузатиш кераклигини билдирди. Бошқарув аппаратини янги иқтисодий алоқалар ва муносабатлар системасига киритиш, бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан текисчилик ёндашувини бартараф этиш, уни тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар, территориялар ишининг хўжалик ҳисоби натижалари билан чамбарчас боғлаш зарур.

Бюрократизмга қарши кураша туриб, айни вақтда раҳбарнинг обрў-эътиборини сақлаш ва бутун чоралар билан мустаҳкамлаш керак. Бошқариш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни кенг авж олдириб юбориш, раҳбар ходимларнинг, мутахассисларнинг бошқарувчилик маданиятини анча ошириш зарур. Аҳил, аниқ-пухта ишловчи ва эпчил бошқарув аппарати қайта қуришнинг самарали иш қуроли бўлиши лозим.

3. Давлат ва жамоат муассасаларини, партия комитетларини меҳнаткашлар бемалол кириб чиқа оладиган жойга айлантириш, бошқарув аппаратининг ишида ҳар қандай тўғаноқларни, расмиятчиликни ва сансалорликни бартараф этиш, бюрократнинг лоқайдлиги ва қайсарлиги олдида одам ўзини ожиз сезадиган вазиятларга барҳам бериш зарур. Маҳкамачилик йўл-йўриқлари, бюрократик найранглар билан гражданларнинг қонуний ҳуқуқларини камситиш борасидаги ҳар қандай уринишларнинг пайини қирқиш керак.

Муассасалар ва корхоналарда, партия, совет, касаба союз органларида одамларни шахсий масалалар бўйича қабул қилишни ташкил этишни анча яхшилаш зарур. Меҳнаткашларнинг асосли илтимослари ва қонуний талабларини кўриб чиқишдан бўйин товлаш мансабдорнинг жиддий ножўя ҳаракати, деб ҳисобланиб, бунинг учун унга ишдан то бўшатилишигача бўлган жуда қаттиқ жазо чораси кўрилиши керак. Министрлар, Иттифоқ, республика ҳамда маҳаллий органларнинг бошқа раҳбар ходимлари гражданларни бевосита меҳнат коллективларида қабул қилишлари, юзага келаётган масалаларни оператив равишда ҳал қилишлари, одамларни безовта қилаётган камчиликларни бартараф этишлари лозим. Ана шу органлар раҳбарларининг меҳнат коллективларида ва гражданларнинг истиқомат жойларида ҳисобот бериб туришларини нормага айлантириш керак.

Партия органларининг раҳбарлари, то КПСС Марказий Комитетининг секретарларигача, партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари турмуш ва фаолиятнинг етилган масалаларини ҳал этиш учун коммунистлар, меҳнаткашлар билан мунтазам учрашиб турсинлар.

4. Конференция барча партия ташкилотларидан бюрократизмга қарши курашда кадрлар сиёсатидан тўла-тўкис фойдаланишларини талаб қилади. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш очиқ-ойдин, конкурс ҳамда беллашув асосида олиб борилишига эришилсин. Раҳбар кадрларнинг уларни сайлаган коллективлар олдидаги принципиаллиги, ўртоқлиги, жавобгарлиги муҳити тўла-тўкис қайта тиклансин. Партия ташкилотлари масъулиятли лавозимларда туриб ишга юзаки муносабатда бўлаётган, одамларнинг эҳтиёжларига нисбатан бағритошлик, лоқайдлик қилаётган коммунистларга ишонч билдиришдан воз кечишлари керак. Бундай кишилардан бир тўғаноқсиз халос бўлиш, уларни бошқа раҳбарлик лавозимларига кўчириб ўтказиш йўлидаги уринишларга чек қўйиш лозим.

5. Халқнинг амалдаги тўла ҳокимияти, меҳнаткашларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга кенг жалб этиш бюрократизм пайини қирқишнинг ҳал қилувчи омилидир.

Конференция сайлаб қўйиладиган ҳокимият органларига бўйсунувчи ижтимоий-давлат контроли ягона системаси тузилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Партия ташкилотлари бу система халқ оммасининг, ижодкорлар, ветеранлар, хотин-қизлар ташкилотларининг ҳамда аҳоли турли қатламлари ва группаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа жамоат ташкилотларининг ташаббуси ҳамда активлигига таянишига эришишлари лозим.

КПСС мамлакатда ҳар бир граждан Советларда ва халқ контроли органларида бюрократларнинг жилови тортиб қўйилишига, унинг меҳнат ва социал ҳуқуқларини касаба союз қаттиқ туриб ҳимоя қилишига, комсомол ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга отланажагига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маъмурий ўзбошимчаликка, ҳуқуқ ва эркинликларни бузишга қарши пухта ғовни таъминлашларига қатъий ишонч ҳосил қила оладиган вазиятни вужудга келтиришни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Конференция бюрократизмга қарши курашни кучайтиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, ҳозирги пайтда ишлаб чиқилаётган қонун актларида уларни кўзда тутиш зарур деб ҳисоблайди. Гражданларнинг ҳуқуқларини камситувчи мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш тўғрисидаги СССР Қонунини амалда қўлланишни такомиллаштириш керак.

Гражданларнинг йиғинларида, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларидаги йиғилишларда аппаратнинг иши мунтазам суратда муҳокама қилиниб, унга баҳо берилсин.

Оммавий ахборот воситалари бюрократизмнинг манбалари ва кўринишларини, унга қарши муваффақиятли кураш намуналарини конкрет равишда намойиш этиб боришлари лозим. Салбий ҳодисаларга қарши курашда сатира каби жанр кучидан тўла-тўкис фойдаланилсин.

6. Конференция партиянинг барча ташкилотларидан ўз фаолиятидаги ҳар қандай бюрократизм элементларини бартараф этиш, ишда ленинча услубни қарор топтириш юзасидан қатъий чоралар кўришни талаб этади. Партиянинг қарорлари, сиёсий йўл-йўриқлари амалда бажарилишини текширишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш зарур. Бюрократизмга қарши курашда бу ғоят муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб, министрликларда, идораларда, ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган коммунистларнинг эътибори мана шунга алоҳида жалб этилади.

Барча раҳбар коммунистларнинг бошланғич партия ташкилотлари олдида ҳисоб бериб туриши ва масъулияти принципи изчиллик билан амалга оширилиши таъминлансин, ҳар бир раҳбар омма билан чамбарчас боғланишига, юксак билимдонлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, одамохунлик ва кишиларга ҳурмат намунасини кўрсатадиган бўлишига ҳаракат қилинсин.

Ҳар бир партия ташкилотининг иши коллективчилик принципи асосига қурилсин, сайлаб қўйиладиган партия органларининг партия комитетлари пленумларида ва коммунистларнинг йиғилишларида мунтазам ҳисоб бериб боришлари практикаси яхшилансин; танқид ва ўз-ўзини танқид ривожлантирилсин; ички партия демократияси нормаларини бузганлик учун қаттиқ жавоб талаб қилинсин. Биронта партия ташкилоти, бирон ходим назоратдан четда қолмаслиги керак.

Бюрократизмга қарши курашда қолоқлик ва турғунликка нисбатан муросасиз, демократик усуллар билан иш тутиш маҳоратини амалда исботлаган ташаббускор, ижодкор кишиларга таяниш лозим. Айни шундай кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, партиявий ишга тавсия этиш керак.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси коммунистларни, барча меҳнаткашларни бошқарувнинг барча бўғинларида, жамият турмушининг ҳамма соҳаларида бюрократизмга қарши курашни активроқ авж олдиришга чақиради.

# МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИСИДА

1. В. И. Ленин барпо этган Совет социалистик давлати ўзида тенг ҳуқуқли халқлар кўп миллатли оиласининг революцион хоҳиш-иродаси ва муддаоларини мужассамлаштирди. Улар тарихий тақдирининг муштараклиги — интернационал социалистик қардошликнинг негизидир. Республикаларнинг ноёб Иттифоқи совет кишилари кўп авлодлари куч-ғайратларининг натижаси бўлди. СССР барча миллат ва элатлари меҳнаткашларининг интернационал бирлиги, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, миллий маданиятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш, ўтмишдаги қолоқ миллий регионлар тараққиётини жадаллаштириш, миллатлараро адоватни бартараф этиш унинг байроғига ёзилган. СССР халқлари бирлигининг моддий пойдевори — яхлит халқ хўжалик комплекси вужудга келди. Барча республикалар ва автономияларнинг иқтисодий, маданий, кадрлар потенциали беқиёс кўпайди. Янги тарихий бирлик — совет халқи реаллик бўлиб қолди. Миллий ўзлигини англаш табиий равишда ошиб бормоқда.

Шу билан бирга кўп миллатли Советлар давлати вужудга келган дастлабки босқичга хос динамизм миллий сиёсатининг ленинча принципларидан четга чиқилиши, шахсга сиғиниш даврида қонунчиликни бузиш ҳоллари, турғунлик идеологияси ва психологияси оқибатида бирмунча бой берилиб, путурдан кетиб қолди. Миллий масалани ҳал этишда эришилган натижалар абсолютлаштирилди, миллий муносабатларнинг муаммосизлиги тўғрисидаги тасаввурлар қарор топди. Айрим республикалар ва автоном тузилмаларнинг ҳам, шунингдек миллий группаларнинг ҳам социал-иқтисодий, маданий тараққиёти эҳтиёжлари етарли равишда ҳисобга олинмади. Миллатлар ва элатлар тараққиёти боришининг ўзи ўртага қўйган бир талай кескин масалалар ўз вақтида ҳал этилмади. Бу эса ижтимоий қаноатланмасликка олиб келиб, баъзан можароли характер тусини олди. Миллий худбинлик ва кибр-ҳаво, тайёрга айёрлик кайфиятлари ва маҳаллийчилик фактлари содир бўлиб келмоқда. Ўн йиллар давомида йиғилиб келган салбий ҳодисалар узоқ вақтгача эътиборга олинмади, ичга солинди, муносиб равишда партиявий баҳоланмади. Қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик бу ҳодисаларни очиб ташлади ва айни вақтда уларни демократик руҳда бартараф этиш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

2. Партия конференцияси миллий сиёсатнинг ленинча нормалари ва принципларини сабот билан қарор топтириш ва ижодий ривожлантиришни, уларни сунъий қолдиқлар ва бузишлардан қатъиян халос этишни тарихий аҳамиятга молик вазифа деб ҳисоблайди. КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини қондиришни мамлакатнинг муштарак манфаатлари ва эҳтиёжлари билан бирга қўшиб олиб борадиган сиёсий йўл, шовинизм ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари билан чиқишмайдиган интернационалист идеология бунинг негизидир.

Иттифоқдош республикаларни ва автономияларни ривожлантиришни партия уларнинг кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун бўлган масъулияти билан чамбарчас боғлиқ, деб билади. Социалистик идеал карахт қилувчи бир хиллик эмас, балки миллий кўп хилликнинг тўлақонли ва жўшқин бирлигидир.

3. Партия конференцияси ҳисоблайдики, сиёсий системани қайта қуриш доирасида демократик принциплар негизидаги совет федерациясини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид етук тадбирларни амалга ошириш лозим. Гап аввало, ССР Иттифоқи ва совет республикаларининг ҳуқуқ доирасини аниқ белгилаб қўйиш, маҳаллийлаштириш, бир қанча бошқарув вазифаларини жойларга топшириш, экономика, социал ва маданий ривожланиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мустақиллик ва масъулиятни кучайтириш йўли билан иттифоқдош республикаларнинг ва автоном тузилмаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисида бормоқда.

Регионларнинг кўпроқ мустақиллиги учун шароит яратиш, ҳар бир республика ўз фаровонлигининг, муштарак қардошликни ва Совет давлатининг қудратини кўпайтиришнинг негизи бўлмиш ўз хўжалик фаолияти пировард натижаларини яхшилашдан манфаатдор бўладиган ҳамкорлик шаклларини амалга ошириш — марказий вазифалардан биридир. Туб иқтисодий ислоҳот, демократиялаш жараёни миллий-давлат тузилмаларининг ҳам, бутун мамлакатнинг ҳам манфаатларини энг мақбул тарзда бирга қўшиш учун кенг имконият очиб беради. Иш шундай йўлга қўйилиши керакки, меҳнаткашлар республика ёки область қанча маҳсулот ишлаб чиқараётганини, у мамлакат экономикасига қанча ҳисса қўшаётганини ва қанча олаётганини билиб турадиган бўлсинлар. Республикалар ва регионларни хўжалик ҳисоби принципларига ўтказиб, уларнинг Умумиттифоқ программаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини аниқ белгилаб қўйиш ғояси эътиборга сазовордир.

Экономиканинг ва бутун ижтимоий турмушнинг интернационаллашуви — табиий жараёндир. Миллий маҳдудликка ҳар қандай интилиш фақат иқтисодий ва маънавий қашшоқликка олиб боради.

Республика ва маҳаллий бюджетлар шаклланишининг сифат жиҳатдан янги усулини қонун тарзида пухта ишлаб чиқиш, регионларнинг социал-иқтисодий тараққиёти масалаларини ҳал этишда уларнинг ролини анча ошириш лозим. Территориал бошқарув органларининг СССР министрликлари ва идоралари билан, Иттифоқ қарамоғидаги корхоналар билан самарали ўзаро алоқасини таъминлаш, ҳар бир регионнинг комплекс ривожланиши учун ҳам республика, ҳам Иттифоқ бошқарув органларининг масъулиятини кучайтириш зарур. Иттифоқдош республикалар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқилиши ва амалий равишда ҳал этилиши лозим.

Сиёсий системанинг миллий манфаатларни аниқлаб келишиб олинишига кўмаклашадиган муассасаларини активлаштириш лозим. Шу муносабат билан халқ депутатлари Советларининг, аввало СССР Олий Совети Миллатлар Совети, унинг доимий комиссияларининг, шунингдек СССР ҳукуматининг ролини ошириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. СССР Олий Советида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларида ,зарур деб топилган маҳаллий Советларда миллатлараро муносабатлар масалалари доимий комиссияларини тузиш мақсадга мувофиқдир, деб топилсин. Миллатлар ва миллий муносабатлар ишлари билан шуғулланувчи махсус давлат органи тузиш масаласини кўриб чиқиш ҳам лозим.

Конференция янги реалликларни эътиборга олиб, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном область ва округлар тўғрисидаги қонунларни ривожлантириш ва янгилаш, уларнинг ҳуқуқларини ва бурчларини, марказдаги ва жойлардаги ҳокимият органларида барча миллатларнинг ўзини ўзи бошқариш ва вакиллик қилиш принципларини янада тўлиқ акс эттиришни тавсия этади. Бу эса СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларига тегишли ўзгартишлар киритишни талаб қилади.

4. Ҳар бир миллий регионда иқтисодий ва социал тараққиёт миллатлар ва элатларнинг маданий ўзига хослигига таянувчи маънавий тараққиёт билан қўшиб олиб борилиши муҳимдир. Социалистик маданият кўп миллатли маданият тарзида ривожлана бориб, бундан буён ҳам жамиятимиз ғоявий, маънавий жипслигининг қудратли омили бўлиб қолавериши керак.

Ўз давлат-территориал тузилмалари ташқарисида яшаб турган ёки шундай тузилмалари бўлмаган миллатлар айниқса маориф, алоқа, халқ ижодкорлиги соҳасидаги миллий-маданий эҳтиёжлари рўёбга чиқиши, шунингдек миллий маданият масканлари яратилиши, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, диний эҳтиёжларни қондириш учун кўпроқ имконият олишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиниши керак.

СССРдаги барча гражданларнинг она тилларини эркин ривожлантириши ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиши, совет кишилари томонидан миллатлараро алоқа воситаси тарзида эркин қабул қилинган рус тилини эгаллаши — кўп миллатли давлатимизнинг энг муҳим принципидир. Миллий — рус икки тиллилиги ҳар бир регионнинг хусусиятларини эътиборга олиб, уйғун равишда, табиий ривожланиб бориши, расмиятчиликдан ҳоли бўлиши учун ҳамма шароитларни яратиш лозим. Давлат турмуши, ижтимоий ва маданий турмушнинг турли соҳаларида миллий тилларнинг актив ишлатилиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин. Республикага номи қўйилган халқ тилининг шу республика территориясида яшовчи бошқа миллат гражданлари, аввало болалар ва ёшлар томонидан ўрганилиши рағбатлантирилсин. Буларнинг ҳаммаси таълим олиш тилини эркин танлашдан иборат демократик приципларга қарама-қарши қўйилмаслиги керак.

5. Совет кишиларининг ҳар бир авлоди ватанпарварлик ва интернационализм сабоғини ўзига хос тарзда олади. Оила ва мактабдан, пионер ва комсомол ташкилотларидан бошлаб шахснинг дастлабки социал тажрибасидаёқ шу қадриятлар узвий равишда бирга қўшилиши, мустаҳкам бирликда намоён бўлиши, миллий нигилизмни ҳам, миллий яккаланишни ҳам истисно қилиши муҳимдир. Халқларимиз дўстлигининг манбаларини рўёбга чиқариш, миллатлараро алоқа маданиятини актив шакллантириш, мамлакат халқларининг, дунёдаги бошқа халқларнинг анъаналарига, тилига, санъатига, тарихига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш лозим. СССР Қуролли Кучлари сафларидаги хизмат чинакам интернационализм мактаби бўлиб қолиши керак.

Конференция умумхалқ байрами — СССР ташкил топган куннинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти оширилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм практикаси заифлаштирилган жойларда миллий чекланиш ва шовинистик гердайиш кучая бошлашини ҳаёт яққол кўрсатиб турибди. Шу яроқсиз қинғирликларга қарши кураш, уларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этиш — ҳар бир совет кишисининг гражданлик бурчидир. Миллатлар ва элатларни пароканда қилувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, ҳар қандай миллат гражданларининг ҳуқуқларини камситиш йўлидаги уринишлар маънавий жиҳатдан номақбул ва Совет давлатининг манфаатларига зид уринишлар, деб ҳисобланиши керак.

Чинакам миллий манфаатлар билан шу манфаатларни миллатчилик тарзида бузишни бир-биридан фарқ қилишни ўрганмоқ керак. Миллий мумтозликни ҳар қандай даъво қилиш шу жумладан даъво қайси халқнинг номидан айтилаётган бўлса, ўша халқ учун ҳам йўл қўйилмайдиган ва ҳақоратомуз даъволардир. Ленинча анъана руҳида аввало «ўз» миллатчилиги ва шовинизмига қарши курашиш керак, бу ишни аввало тегишли миллатнинг намояндалари қилишлари лозим.

6. Конференция қайд этадики, мамлакатимиз шароитидаги кўпмиллатлилик — халқлар ривожланиши ва ўзаро маънавий бойишининг қудратли манбаидир. Социалистик, интернационалистик турмуш тарзини шакллантириш бутун партиянинг, барча совет кишиларининг ишидир. Бунинг учун ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг сиёсий тажрибасини, меҳнат ахлоқини ва маънавий потенциалини, уларнинг турли халқлар яхши қўшниларча биргаликда яшашига чуқур ихлосмандлигини сафарбар этиш лозим. Бу ишда совет зиёлилари алоҳида роль ўйнайдилар. Миллий муносабатларнинг умумий иқлими кўп жиҳатдан зиёлиларнинг гражданлик етуклигига ҳамда ўз халқининг ва умуман жамиятнинг туб манфаатларини чуқур англашига боғлиқдир.

Ҳар қандай миллий муаммоларга ҳар бир конкрет вазиятни чуқур таҳлил этиш ва ҳолисона баҳолаш асосида вазминлик билан, ҳар томонлама ёндашиш лозим. Бу муаммолар осойишталик, бениҳоя масъулият билан, социалистик демократия ва қонунчилик доирасида, аввало бир-бирини иззат қилиш йўли билан, авж олиб кетган революцион янгиланиш жараёнларини ҳисобга олиб, совет халқининг интернационал жипслигига зарар етказмай ҳал қилиниши керак. Шундай ижтимоий муҳитни яратишни кўзлаб иш олиб борилсинки, унда ҳар қандай миллатга мансуб киши социалистик Ватанимизнинг ҳар бир қисмида ўзини ўз уйидагидек ҳис этадиган бўлсин.

7. Ҳозирги миллий сиёсат илмий-назарий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқилишига муҳтож. Бу—илмий муассасалар ва мутахассисларга бериладиган масъулиятли социал буюртмадир. Бу буюртмани муваффақиятли бажариш учун тегишли ташкилий шарт-шароитлар яратилиши ва кадрлар вояга етказилиши, илмий жамоатчиликнинг куч-ғайратлари бирлаштирилиши керак. Умумдавлат даражасида миллий муносабатларнинг актуал муаммоларини комплекс ўрганувчи илмий марказни барпо этиш масаласини кўриб чиқиш, бу соҳадаги илмий-тадқиқот ва аҳборот ишини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

8. Партия ташкилотлари, барча миллат коммунистлари халқлар социалистик Иттифоқини жипслаштирувчи куч, унинг жон-тани, интернационализмнинг фаол жонкуярлари бўлишлари керак. Улар ўзларининг бутун фаолияти билан меҳнаткашларни қайта қуриш вазифалари теварагида жипслаштиришлари, соғлом ижтимоий фикрни шакллантиришлари, одамларни ўзларига эргаштиришлари лозим. Ленинча талаблар руҳида партия, давлат, касаба союз, комсомол, хўжалик органларида, шу жумладан Иттифоқ даражасида барча миллат ва элатларнинг вакиллиги таъминланиши, раҳбар кадрларнинг состави совет жамиятининг миллий структурасини ғоят тўлиқ акс эттириши йўлини қатъият билан ўтказиш зарур.

Конференция КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг миллий муносабат масалаларига бағишлаб Марказий Комитет Пленумини ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайди.

Конференция қатъий ишонч билдириб айтадики, бизнинг ҳозирги кунимиз ва келажагимиз барча совет халқларининг жипслашуви ва бирлигига боғлиқ. ССР Иттифоқи барча халқлари эркин тараққиёти ва равнақ топишининг, Ватанимиз қудрати мустаҳкамланишининг негизи бўлмиш совет жамиятининг жипслигига хизмат қиладиган ҳамма омилларни эҳтиёт қилиб асраш, кўпайтириш ҳар бир гражданнинг, ҳар бир коммунистнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчидир. Ленин бизни шунга даъват қилган эди ва Коммунистик партия ҳам шу йўлдан бормоқда.

# ОШКОРАЛИК ТЎҒРИСИДА

1. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси социализм ва қайта қуриш манфаатларига амал қилиб, ошкораликни янада ривожлантиришни энг муҳим сиёсий вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Қайта қуришнинг дастлабки уч йили шуни яққол тасдиқладики, партия, совет, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги ошкоралик вазияти, реал танқид ва ўз-ўзини танқиднинг кучайиши, сиёсатда рўй-ростлик ва ҳақиқатнинг қарор топиши партияга, бутун халққа ўз ўтмиши ва бугунги кунини яхшироқ англаб олишга, ҳалал бераётган омилларни аниқлашга, қудратли ватанпарварлик кучларини мамлакат, социализм манфаатлари йўлида актив ва аниқ мақсадга қаратилган ишга сафарбар этишга имкон берди. Ижтимоий ҳаётга ошкораликнинг тадбиқ этилиши теранлик ва холислик билан жамоатчилик иштирокида мамлакатдаги вазиятга баҳо беришга, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш юзасидан коллегиал тарзда принципиал қарорлар ишлаб чиқишга, меҳнаткашларнинг КПССнинг қайта қуриш йўлини активлик ва манфаатдорлик билан қўллаб-қувватлашларини таъминлашга ёрдам берди.

Конференция ошкораликни ривожланиб бораётган жараён деб билади ва уни изчиллик билан кенгайтириш социалистик тузум демократик моҳияти ифодасининг, уни инсонга қаратилганлигининг, шахсни жамият, давлат ва коллективнинг барча ишларига жалб этишнинг муқаррар шарти, социализмни бузишларга қарши барча социал муассасалар, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти устидан умумхалқ назоратини ўрнатиш асосида курашнинг таъсирчан кафолати эканлигини таъкидлайди.

Конференция ошкораликни халқнинг социалистик ўзини-ўзи бошқарувини, конституцион ҳуқуқларни, гражданларнинг эркинликлари ва бурчларини амалга оширишнинг зарур шарти, совет жамиятида мавжуд бўлган турли-туман манфаатлар, фикрларнинг социалистик плюрализмини таққослаш ва жамлашнинг усули, интернационализмни мустаҳкамлаш ва социалистик ватанпарварликни тарбиялашнинг, социализмнинг инсонпарварлик қиёфасини қарор топтиришнинг таъсирчан йўли деб билади.

Ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ошкоралик — қайта қуриш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг, қайта қуриш муқаррарлигининг энг муҳим шартларидан биридир.

Халқаро майдондаги ошкоралик, ҳукуматлар ва халқлар позицияларини яққол кўрсатиб, тинчлик ва ҳамкорлик ишига, ядросиз ва зўравонликсиз дунёни бунёд этиш ғояларининг мустаҳкамланишига, замонавий, маданий халқаро муносабатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Рўй-рост ташқи сиёсат принципларини амалга оширишнинг воситаси бўлган ошкоралик жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, меҳнаткашлар оммаси, фан ва маданият арбобларини халқаро алоқаларга жалб этишга, халқ дипломатиясини кенгайтиришга ёрдам беради, мураккаб халқаро муаммоларнинг давлатлараро даражада, ҳукуматлараро йўл билан ҳал этилишига кўмаклашади.

Пировардида ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид халқ манфаатларига хизмат қилади, жамият сиёсий системасининг очиқ-ойдинлигини акс эттиради, бу системанинг куч-қудрати, сиёсий ҳаётийлиги, маънавий соғломлигидан далолат беради.

2. Шу билан бирга конференция қайта қуришнинг ўткир қуроли бўлган ошкораликнинг ўзи чуқурлаштиришга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож эканлигини таъкидлайди. Кенг жамоатчилик ҳали ҳам ахборотнинг анчагина қисмидан бехабар қолмоқда, социал-иқтисодий ва маънавий ўсишни жадаллаштириш, омманинг, бошқарув кадрларининг сиёсий маданиятини оширишда ахборотдан фойдаланилмаяпти. Партия, совет ва жамоат ташкилотлари, коллективлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ошкораликни тийишга уриниш ҳоллари бор. Унинг йўлига кўпинча идоравий ва маҳаллий тўсиқлар қўйилмоқда. У ёки бу камчиликлар, суиистеъмоллар, бюрократизм ва коммунистман деб гердайиш фактларини, бошқа салбий ҳодисаларни жамоатчиликка ҳавола этишга интилиш маъмурий қаршиликка дуч келмоқда. Меҳнаткашлар партия органлари ва оммавий ахборот воситаларига юбораётган турли шикоят хатларининг сони камаймаяпти. Ҳозиргача ҳам танқид учун таъқиб этиш ва ҳатто ўч олиш ҳоллари учраб турибди. Ошкораликдан шахсий ва гуруҳбозлик нафсониятлари манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳолларига барҳам берилмаган, бу одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқот ва ўртоқларча талабчанликнинг нормал алоқаларини бузмоқда. Чинакам ошкораликнинг фикрларни эркин ифодалаш, туҳмат ва ҳақорат қилиш йўли билан шахсни камситишга эмас, балки уни улуғлашга ва унинг қадр-қимматини муҳофаза этишга хизмат қилиши зарурлиги тўғрисидаги ажралмас принципи ҳамиша ҳам амалга оширилаётгани йўқ.

Конференция ошкораликни изчиллик билан кенгайтириш ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида демократиялаш жараёнларини авж олдириш, социализмни янгилашнинг зарур шарти эканлигини таъкидлайди. Партия ошкораликни ривожлантирар экан, ҳамиша омма ҳамма нарсани билиши керак, ҳамма нарса ҳақида фикр юритиши керак ва ҳамма ишга онгли тарзда бориши керак, деган ленинча кўрсатмага муттасил амал қилади. Коммунистик партияга, совет халқига ҳақиқат зарур, жамиятда содир бўлаётган барча воқеалар ҳақида тўла ва холис ахборот керак. Ошкоралик қайта қуриш ғоялари ва принциплари асосида барча ижтимоий кучларни жипслаштириш мақсадларига хизмат қилиши керак.

(Давоми тўртинчи бетда).

